



ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ



milliy

tiklanish

№ 11 (1160) 2022 йил
30 март, chorshanba

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«ОТА ЮРТИНГИЗ ЭШИКЛАРИ СИЗ ВА БАРЧА ТУРКИЯЛИК ҚАРДОШЛАРИМИЗ УЧУН ДОИМО ОЧИҚ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 29 МАРТ КУНИ ТУРКИЯ
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РЕЖЕП ТАЙЙИП ЭРДОҒАН
РАФИҚАСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.



Кейинги беш йилликдаги янгиланиш ва ўзгаришлар туфайли Янги Ўзбекистон янги имкониятлар остонаси сари дадил одимлаётганини, дунёга танилаётганини халқро экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Маълумки, коронавирус пандемияси туфайли жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кузатилган депрессиялар, миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган касалликлар ёки дунё аҳлини хавотирга солаётган, юзлаб, минглаб оилалар ҳаловатини ўғирлаётган ўзаро зиддиятлар тинчлик ва хотиржамлик неъматини чуқурроқ ҳис этиш ва қадрлашимизга сабаб бўлмоқда, десак

хато бўлмайди. Ана шундай воқеликлар яна бир ҳақиқатни англашимизга туртки бўлди: бу ён-атрофимизда ишончли ҳамкор, дўст, ҳар қандай шариоатда ҳам суянса бўладиган биродарлар борлигини ҳис этиш бахтидир. Шубҳасиз, жаҳоннинг энг кучли йигирмата давлатидан бири саналган, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўплаб давлатларга ўрнатилган Туркия ҳақида

шундай фикр билдириш мумкин. Кеча ушбу давлат етакчиси юртимизга ташриф буюрди. Ташрифнинг биринчи куниёқ Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режел Таййип Эрдоған ўртасида тор доирадаги музокаралар бўлиб ўтди. Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини

юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари сезиларли даражада фаоллашди. Хусусан, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, худудлар даражасида доимий

мулоқотлар йўлга қўйилиб, олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда. Шавкат Мирзиёев ва Режел Таййип Эрдоған кооперация лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини қайд этдилар.

Давоми 2-бетда

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРГА

«ҚАРИНДОШ»


4 с

ҚАРОР ҚАТЪИЙ

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ
КОНСТИТУЦИЯГА
МОС БЎЛИШИ
ШАРТ!

3 с

- » БОҒЧАСИ ЙЎҚ «БЎСТОН»
- » ЭНДИ «ДЎМБИРОБОД»ДА МУАММОЛАР «ДЎМБИРАСИ» ЧАЛИНАДИ
- » МУАММОЛАР ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА: ЧУНКИ...
- » УРГАНЧЛИКЛАРГА БЕШ БАҲО...



5 | «Кафолатланган пакет» ишлаб чиқилди

6 | Шеърят онаси изтироб, ахир...»

7 | Жадидчиларнинг рус резидентига қўйган талаби



ҚАРОР ҚАТЪИЙ!

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КОНСТИТУЦИЯГА МОС БЎЛИШИ ШАРТ!

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонунни қабул қилишдан мақсад давлат қарзи билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ва қонунга давлат кафолати, давлат қарзини қайта молиялаштириш, давлат томонидан маблағ жалб этиш, қарз берувчи ва қарз олувчи тарафларнинг ҳуқуқларини қўриқиб олишдан иборат. Қонун билан давлат идораларининг бу борадаги ваколатлари, давлат қарзини бошқаришнинг асосий принциплари, очиклик ва шаффофлик стратегияси ҳам белгиланмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда дунёда ташқи қарзга бўлган талаб ошиб борапти. Чунки жаҳон тажрибаси ҳар қандай давлатнинг ташқи инвестицияни жалб этмай туриб, тараққиётга эришиши қийин кечишини кўрсатаяпти. Лекин шунга қарамай, халқаро молиявий ташкилотлар ҳар қандай давлатнинг ташқи қарзи кўрсаткичи ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 50-60 фоиздан ошмаслиги лозимлигини тавсия қилмоқдалар. Шу ўринда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқининг энг ривожланган мамлакатларида ҳам давлат қарзи айни пайтда энг юқори даражага етганини, яъни ташқи қарзлар ЯИМга нисбатан «қизил чизиқ»дан аллақачон ўтганини, ҳатто 100 фоиздан ошганини айтиш мумкин. Экспертларнинг фикрича, АҚШ ва Европа инвестициялари асосан ташқи бозордан жалб этишни маъқул кўрса, Осиё мамлакатлари ички бозордан олинган қарзлар ҳисобига иқтисодий эти ривожлантириш мумкин. Молия вазирлиги ҳисоботида кўрсатилишича, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг давлат

қарзи 2,9 млрд. долларга ошиб, 26,3 млрд. долларни ёки ЯИМга нисбатан 38 фоизни ташкил этмоқда. Давлат қарзининг ЯИМга нисбатан улуши 2021 йил бошида 39 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 38 фоизгача пасайган. «Фуқаролар учун бюджет» лойиҳасида қайд этилишича, 2022 йил якунлари бўйича давлат ташқи қарзининг миқдори 30,4 млрд. АҚШ долларга (ЯИМга нисбатан 41 фоиз) етиши мумкин. Халқаро валюта жамғармаси таҳлилларига кўра, 1971-2007 йиллар давомида дунёнинг 100 дан ортиқ давлатида қарзни тўлай олмаслик ҳолати юзага келган. Хусусан, тўловсизлик муаммоси юзага келишидан аввал мазкур мамлакатларда давлат қарзи ЯИМга нисбатан 60 фоизни ташкил этган. Юқоридагидек ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қонун даражасида давлат қарзи ва унга хизмат кўрсатиш харажатларининг устуворлиги, давлат қарзининг чекланган ҳажми ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг давлат қарзини бошқаришдаги ваколатларини белгилаш, шунингдек, давлат қарзини

бошқаришда парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича яхлит тизим яратиш лозим. Шунинг учун ҳам «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё Тараққиёт банки ва АҚШ Ҳазначилигининг 13 нафар экспертлари ҳам иштирок этдилар. Бундан ташқари, лойиҳа юзасидан 9 та вазирлик ва идораларнинг экспертиза хулосалари олинди. Аммо шунга қарамай қонун лойиҳасининг икки моддаси Конституциямизга мос келмаётганини айтиш жоиз. Фракция аъзоси Жаҳонгир Шириновнинг фикрича, ушбу моддаларни Бош қонунимизга мослаштириш керак. — Акс ҳолда бу қутилмаган хатоликларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам биз қонун лойиҳасини қўллаб-қувватламаймиз, — деди Ж.Ширинов. Ташаббускорлар эса айни пайтда шу масалада ҳуқуқшунослар билан яна бир бор маслаҳатлашиб, лойиҳани қайтадан кўриб чиқишга ваъда бердилар. Йиғилишда «Маъмурий

жавобгарлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Маълумки, кейинги йилларда айрим ёшларнинг миллий кадриятларимиз ва муқаддас қадамжоларимизга нисбатан ҳурматсизлик қилишлари билан боғлиқ ҳолатлар кўпаймоқда ва бу жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Қонунчилигимизда бундай ҳаракатларга нисбатан етарлича жавобгарлик белгиланмагани боис, ҳуқуқбузарларга нисбатан керакли чоралар қўрилмаяпти. Гарчи Жиноят кодексининг 132-моддасида бундай ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарлик белгиланган бўлса-да, лекин аслида ушбу моддада кадриятларга қатъи миқдорда шикаст етказганлар назарда тутилган, холос. Натияжада айрим ёшлар жиноят содир этсалар-да, улар арзиман жарима билан қўтирилиб кетишяпти. Энди эса бундай ҳатти-ҳаракатлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача миқдорда жаримага тортилади. Бу ҳолат бир йил давомида яна такрорланса, 15 суткага қамалади.

— Қонун лойиҳасида ҳуқуқбузарларга нисбатан чора кўриш фақат давлат рўйхатида олинган тарихий объектларга нисбатан қўлланилмайди, — дейди депутат Даврон Арипов. — Давлат рўйхатида олинмаган, лекин халқ эътиборида бўлган объектларга зарар етказган шахс эса яна жазонланмасдан қоляпти. Умуман, кадриятларимиз саналган маданий мерос объектларига зарар етказилган тақдирда, уларни давлат рўйхатида олинган ёки олинмаган, деб ажратишимиз қанчалик тўғри? Қонун ташаббускорлари ушбу саволга жавоб қайтарар эканлар, тарихий объектларни давлат рўйхатида олиш узлуксиз жараён эканини, яъни ҳар йили рўйхат янги объектлар билан тўлдирилаётганини таъкидлашди. Маълумотларга кўра, 2019 йилдан шу кунгача 30 та янги маданий мерос объекти давлат ҳимоясига олинган. Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири

✓ Кутинг! ✓ Очик мулоқот

3 МИНГ ЙИЛЛИК ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИГА ЭГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Миллий валюта — сўмнинг эркин конвертацияси жорий этилиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловлар олиб ташлангани, мамлакатимизда очиклик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилгани, 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса энгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилгани, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлангани, кўп йиллар давомида мамлакатимизнинг турли қора рўйхатларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

Келгуси сонларда

СУДЬЯЛАР ВА АДВОКАТЛАР

Иқтисодий низоларни ҳал этишда одил судловнинг самарадорлигини ошириш мақсадида очик мулоқот ташкил этилди.

Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ва Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан ташкил этилган тадбирда судьялар, депутатлар, сенаторлар, адвокатлар, ҳуқуқшунослар иштирок этди. Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилган низолар, одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Суд амалиётида юзага келаётган масалаларни ҳал этиш, бу борада судьялар ва адвокатларнинг масъулиятини янада оширишга эътибор қаратилди. Тадбирда адвокатлар томонидан судга ҳужжатларни электрон шаклда юбориш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, суд ишлари ҳолатини онлайн кузатиб бориш билан боғлиқ электрон суд хизматларидан кенг фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди. Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани натижасида иқтисодий судларга мурожаатларни электрон шаклда бериш ва суд ҳужжатларини электрон шаклда тарафларга жўнатилиши йўлга қўйилган. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига «Адолат» ахборот тизимлари комплекси жорий этилгани бунга замин яратди. Эндиликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этишдек қулайлик бор. Манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш, суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш, суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш ҳам мумкин. Адвокатлар судлар билан ўзаро муносабатларда электрон шаклдаги ахборот тизимларидан кенг фойдалана бошлади. Бундан ташқари, Телеграмм ижтимоий тармоғида «Sud.uz» телеграмм боти жорий этилган бўлиб, тарафларнинг у орқали бераётган мурожаатларига муайян соатлар ичида жавоб берилиши йўлга қўйилган. Тадбирда иштирокчилар томонидан юридик шахсларнинг ҳуқуқларини иқтисодий судларда ҳимоя қилиш, тарафларнинг низо бўйича ўзаро келишувига эришишда адвокатларнинг ролини ошириш билан боғлиқ таклифлар билдирилди.

ЎЗА



Йилланган китобларнинг 800 донаси Яшнобод туманидаги «Ширинобод» МФЙда ташкил этилган «Миллий тикланиш» кутубхонаси»га топширилган.

МУНОСАБАТ



Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

«КАФОЛАТЛАНГАН ПАКЕТ» ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқотда ютуқлар билан бирга соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам муҳокама этилиб, уларнинг ечимлари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шу ўринда тиббиётга ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин ошганини, 2022 йилнинг ўзидагина соҳага 24 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилганини айтиш жоиз. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар эса 12 баробарга кўпайтирилди.

Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган ислохотлар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бу борада тизимдаги муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар ва малакали кадрлар билан таъминлаш, барча бўғиндаги тиббиёт тармоқларини ўзаро интеграция қилиш ҳамда рақамлаштириш, соҳага эса босқичма-босқич тиббий сўғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амал-

га оширишга оид Давлат дастури доирасида Сирдарё вилоятида тажриба-синов тариқасида тиббиётни ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сўғуртаси механизмларини жорий этиш бошланди. Тажриба-синов тариқасида ушбу ҳудудда тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг янги моделлари апробациядан ўтказилиб, кейинчалик бошқа ҳудудларга жорий этиш режалаштирилган.

Дастлаб, бирламчи тизимда Сирдарё вилоятидаги тиббиёт муассасаларига жорий қилинган давлат тиббий сўғуртаси механизмлари ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб, жорий йилнинг 1 январь кунига қадар босқичма-босқич республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига ҳам жорий этилди. Натижада ҳозирги вақтда бирламчи зарур дори-дармонларни аҳоли тиббиётнинг бирламчи бўғинидан олмақда.

Шунингдек, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, беморлар учун ихтисослаштирилган тиббий ёрдамдан фойдаланиш қўлайлигини янада ошириш мақсадида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилиниб, электрон ахборот

тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволашнига йўллаш тартиби жорий этилди. Бунда йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва бу давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради. Янги тартиб бўйича фуқаролар ҳатто нодавлат тиббиёт ташкилотларида ҳам «кафолатланган пакет» доирасида бепул тиббий хизматлар олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шу пайтгача амалда бўлган тизимда соҳага ажратилаётган маблағлар қанча бемор даволанганидан қатъий назар, тиббиёт муассасаларига йўналтирилган бўлса, сўғурта

механизмлари асосида бу маблағлар беморнинг ўзига йўналтирилмоқда.

Натижада, олдин «ордер» асосида даволанса ҳам юқори технологик операциялар учун зарур маблағнинг маълум қисми бемор ёки унинг яқинлари томонидан қопланар эди. Ҳозирда бу маблағнинг барчасини Давлат тиббий сўғуртаси томонидан тўлаб бериш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларининг молиявий мустақиллигини яхшилаш ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишга хусусий тиббиёт ташкилотларини жалб қилган ҳолда тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш имконияти ҳам яратилди.

Очиқ мулоқотда таъкидланганидек, оилавий шифокор пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли поликлиникаларда кундузги стационар иш вақти соат 20:00 гача узайтирилади. Уларда ишлайдиган шифокор ва ҳамширалар иш ҳақига қўшимча устама тўланади. Шунингдек, 2022 йил 1 майдан бошлаб, барча кўп тармоқли марказий поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилади, 17 мингдан зиёд

тиббиёт бригадаларига яна қўшимча 8,5 мингта болалар ҳамшираси ва доя (акusher) штатлари берилади, 2022 йил 1 июлдан бошлаб 3-15 ёшли болаларга йод препаратлари давлат томонидан бепул тарқатилади. Зеро, халқ саломатлиги, миллат генофонди мустаҳкамлиги шу давлатнинг катта бойлиги саналади.

Мулоқотда кўтарилган таклиф ва ташаббусларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан парламент назоратини ташкил қилиш ҳам таъкидланди. Бу эса, биз депутатлар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклаши билан биргаликда, ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилувчи ҳуқуқий асосларни яратишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш ва ижросини назорат қилиш ишларини тизимли ташкил қилишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлган мулоқотида кўтарилган таклиф ва ташаббуслар соғлиқни сақлаш соҳасини янги босқичга олиб чиқишга, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ошиши ва фуқаролар учун тиббий хизматдан фойдаланиш қўлайликларини янада оширишга хизмат қилади.

✓ Худудий кенгашларда

ДЕПУТАТ-РЕКТОРНИ ТАЛАБАЛАР ҲАМ ҚўЛЛАШДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Тошкент молия институтининг ректори Тўлқин Тешабоев ташаббуси билан мазкур институтда «Китоб бер – зиё улаш» акциясига старт берилди. Унда институт талабалари ўзлари севиб мутолаа қиладиган китобларини бир ерга жамладилар. Акция доирасида 900 дан ортиқ китоблар йиғилганини инobatга олсак, депутат-ректор ташаббуси яхшигина қўллаб-қувватлангани аён бўлади.



Анора ҲАЙДАРОВА,
партия Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси



ЭНДИ МУАММОЛАР ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА. ЧУНКИ...

Халқ депутатлари Урганч тумани Кенгашидаги депутатларимиз томонидан Президентимизнинг «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг жойлардаги ижроси ўрганилди. Энг асосийси, ўрганиш натижалари сессия кун тартибига киритилган бўлди. Шу тариқа туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатларимиз номидан гуруҳ раҳбари Ғофуржон Юсупов мавжуд муаммолар, эътибордан четда қолётган масалалар хусусида ахборот берди. Унда таъкидланишича, Урганч туманида 14 754 нафар мактабгача таълим ёшидаги болалар бўлиб, уларнинг 9559 нафари, яъни 64,8 фоизи 155 та мактабгача таълим ташкилоти томонидан қамраб олинган. Айни пайтда тумандаги 60 та маҳаллада 27 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 116 та оилавий

нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, 9 та давлат-хусусий шерикчилик асосидаги МТТ ва 3 та хусусий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. Ўрганишлар давомида ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси бугунги кун талабига жавоб бермаслиги аниқланди. Хусусан, тизимга вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар, ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус дастурлар татбиқ қилинмаган. Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга, холос. Шу боис, туманда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соҳада давлат ва нодавлат тармоғини

кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боғчаларни олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш, болалар қамровини кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига эса замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш чоралари кўрилиши зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб сессия қарорига кўра, табиий газ тармоғидан узилган МТТларни қайта тармоққа улаш, 6 ёшли болаларни бепул мактабга тайёрлов курсларига жалб этиш, тизимда тиббий-санитария назоратини ўрнатиш, овқатланиш режими ва сифатига алоҳида эътибор қаратиш каби муҳим чоратадбирлар белгилаб олинди. Сессия қарори назоратини эса партияимиз депутатлари ҳамда «Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари» бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилди.

Шаҳноза ТАНҒРИБЕРГАНОВА,
партия Хоразм вилояти Кенгаши раиси ўринбосари

ОБУНА - 2022! «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! **Обуна индекси 158**

